

11-01/19-son

5 mart 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши

БАЁНИ

2026 йил 3 март

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz* да назоратдаги хужжатлар, Давлат Раҳбарининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар ижроси);

2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сон қарорининг ижросини самарали ташкил қилиш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

3. Вилоятда саноат корхоналарини жойига чиққан ҳолда таҳлил қилиш ва соғломлаштириш чораларини кўриш бўйича берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

4. Хизматлар соҳасини ривожлантириш, хусусан М-37 автомобиль йўли бўйида хизмат кўрсатиш объектлари, 24/7 кўчаларни ташкил қилиш ҳамда IT ва туризм хизматларини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

5. Қишлоқ хўжалиги масалалари (галла парвариши, картошка экиш, томорқаларга экин экиш, чигит экишга тайёргарлик).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Э.Ғаффоров, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, А.Муллажонов, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, А.Рўзиев, Д.Эргашев, Н.Раҳманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Адилов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги март ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сон қарори ижроси муҳокама қилинди ҳамда топшириқлар ижросини самарали ташкил қилиш бўйича вилоят ҳокими ўринбосарларига, тегишли корхона (ташкилот) раҳбарларига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига топшириқлар берилди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров)га вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (Азимов), “Ер қаъридан фойдаланиш” ДМ вилоят бошқармаси (Ҳайитов) ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда қарорнинг 8.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажриба асосида 2-3 қаватдан кам бўлмаган саноат майдонлари ташкил этиш шарти билан ушбу ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиб, 35 та лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўриш;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов)га вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (Шодиев), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (Атажанов), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (Ражабов), Навоий шаҳар ҳокимлиги (Эргашев) билан биргаликда қарорнинг 15.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 20 мартга қадар Навоий шаҳри М.Торобий кўчаси 105Б-уй манзилидаги таъмирталаб ётоқхонада яшаб келаётган ногиронлиги бўлган шахслар учун кўп квартирали уйларни сотиб олиш ҳамда уларни кўп квартирали уйларга кўчириш орқали ижтимоийлаштириш ишларини якунлаб, ётоқхона биноси ўрнида режалаштирилган “Замонавий савдо комплекси ва кўп қаватли турар жой” биноларини қурилиш ишларини жадаллаштириш ҳамда қарорнинг 15.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳри Дўстлик маҳалласи 8-даҳада жойлашган яроқсиз ҳолатдаги амфитеатри ўрнида замонавий архитектура ечимларига эга бўлган янги мажмуалар барпо этиш бўйича ташаббускорларни аниқлаб, режалаштирилган замонавий савдо комплекси ва хизмат кўрсатиш биноларининг қуриш бўйича ташаббускорларни аниқлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилиниб, бу борада Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Нурота, Томди, Учқудуқ туманларида барқарор бандлик ва юқори даромад билан таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар етарли ташкил этилмаганлиги танқид қилинди.

Навбаҳор, Конимех туманлари ҳокимларига имтиёзли кредитга эҳтиёжи бўлган талабгорларга кредит ажратилишини таъминлаб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига маълумот киритиш топширилди.

Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига камбағал оилалар фарзандларини мактаб тўғаракларига жалб этиш бўйича аниқланган муаммоларни бартараф этилишини таъминлаш ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига бириктирилган оилаларнинг тиббиёт йўналишидаги муаммоларни бартараф этиш чораларни кўриб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Касбий таълим бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига камбағаллик реестрида мавжуд оилаларни даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш чораларини кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ҳикматов) ижара асосида ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларига ҳамда аҳоли томорқаларида картошка ва юқори даромадли озиқ-овқат экинлари эктирилишига шахсан масъул этиб белгиланди.

Йиғилиш кун тартибида, ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича масъулларга тегишли вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди.

Навоий (2329 нафар), Зарафшон (925 нафар), Ғозғон (28 нафар) шаҳарлари ҳамда Кармана (993 нафар), Конимех (290 нафар), Қизилтепа (1154 нафар), Навбаҳор (868 нафар), Нурота (1013 нафар), Томди (68 нафар), Учқудуқ (335 нафар), Хатирчи (2092 нафар) туманларидаги ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланмасдан қолаётганлиги қайд этилиб, Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (Облоқулов)га, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га, вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси (Қаюмов)га туман (шаҳар) ҳокимларига ҳудудларга бириктирилган масъуллар билан биргаликда маҳаллаларда рўйхатга олинган ишсиз ёшларнинг ҳар бир билан шахсан учрашиб, ушбу ёшларга муносиб иш ўринлари таклиф этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев)га ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қаттиқ назорат ўрнатиб, амалга оширилган ишлар юзасидан кунлик вилоят ҳокимига маълумот киритиб бориш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Кармана туманида саноат атиги 4 фоизга ошгани, фаолият юритаётган айрим корхоналарда расмий ишчилар 5 нафарга ҳам етмаслиги ҳамда фаолият тўхтаган деб ҳисобот топширган корхоналар электр ва газдан ҳалигача фойдаланаётгани, бундан ташқари, уч йилда республика саноати 21 фоизга ўсган бўлса, Хатирчи ва Кармана туманларида бу кўрсаткич 10 фоизга ҳам етмаганлиги танқид қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, саноат соҳасидаги ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги корхоналар билан ишлаш тизимини мувофиқлаштириш бўйича вилоят мониторинг штаби ташкил этилди ҳамда ҳудудларга ва корхоналардан масъуллар бириктирилиб, вазифалари белгилаб берилди.

Йиғилишда, 2026 йил ҳосили учун фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан баҳор ойларида асосий майдонларга картошка экинларини экиш, пахта ҳосили учун чигит экиш ва ғалла майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Ҳудудларда баҳор ойларида картошка экинларини экиш, пахта ҳосили учун чигит экиш ва ғалла майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш ишлари қониқарсиз олиб борилаётганлиги танқид қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Хамроев) ва туман ҳокимлари билан картошка экинларини экиш, пахта ҳосили учун чигит экиш ва ғалла майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш ишларини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Юлдашов**), Автомобиль йўллари бошқармаси (**Пирназаров**), “Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги 393-сонли қарорининг 6-бандида, 2026 йилда Навоий вилоятида қурилиши белгиланган 22 та объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендер савдоларини ўтказиш ва қурилиш ташкилотлари билан пудрат шартномаларини имзолаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш чоралари кўрилсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги март ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини март ойининг 25 санасига қадар тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

Назорати **Ш.Намозовга**.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида:

а) вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**), вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**), “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ вилоят бошқармаси (**Ҳайитов**):

туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда қарорнинг 8.2-банди ижроси бўйича илғор хорижий тажриба асосида **2-3 қаватдан кам бўлмаган саноат майдонлари ташкил этиш шарти билан** ушбу ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиб, **35 та** лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрсин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (**Нишонов**), вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Шодиев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда қарорнинг 9.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида **жорий йилнинг 10 апрелига қадар** мазкур қарорнинг 4-5-иловаларда назарда тутилган янги инвестиция лойиҳалари учун ер участкаларининг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш мақсадида **электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин**.

б) Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**):

вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Шодиев**), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**) Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) билан биргаликда қарорнинг 15.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида **жорий йилнинг 20 мартига қадар** Навоий шаҳар М.Торобий кўчаси 105Б-уй манзилидаги таъмирталаб ётоқхонада яшаб келаётган ногиронлиги бўлган шахслар учун кўп квартирали уйларни сотиб олиш ҳамда уларни кўп квартирали уйларга кўчириш орқали ижтимоийлаштириш ишларини якунлаб, ётоқхона биноси ўрнида режалаштирилган “Замонавий савдо комплекси ва кўп қаватли турар жой” биноларини қурилиш ишларини жадаллаштирсин;

вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Шодиёв**), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) билан биргаликда қарорнинг 15.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳри Дўстлик маҳалласи 8-даҳада жойлашган яроқсиз ҳолатдаги амфитеатри ўрнида замонавий архитектура ечимларига эга бўлган янги мажмуалар барпо этиш бўйича ташаббускорларни аниқлаб, режалаштирилган замонавий савдо комплекси ва хизмат кўрсатиш биноларининг қурилиш ишларини жадаллаштирсин;

вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Шодиёв**), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Томди тумани ҳокимлиги (**Умаров**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Томди тумани “Томдибулоқ” овулида “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида яроқсиз ҳолга келган 67 та якка тартибдаги уй-жойларда яшовчи аҳолини кўчириш ҳамда уларни янги уй жойлар билан таъминлаш бўйича зарур маблағларни ажратиш юзасидан “Навоий кон металлургия комбинати” АЖнинг масъул раҳбарлари билан гаплашиб ишларни ташкил этсин;

вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси (**Пирназаров**) билан биргаликда қарорнинг 25.3.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Навоий шаҳри ва Кармана тумани марказини жануб томонидан айланиб ўтувчи 43 км айланма Автомобиль йўлини янгидан қуриш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ишларини тезлаштирсин;

“Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**) билан биргаликда қарорнинг 25.1.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Учқудуқ туманидаги Мингбулоқ сув иншоотида қўшимча сув сақлаш резервуарлари қуриш ва янгидан 78 км иккинчи тармоқ тортиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ишларини жадаллаштирсин;

“Миллий электр тармоқлари” АЖ вилоят филиали (**Рўзиёв**) билан биргаликда қарорнинг 25.3-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Нурота тумани “Сувлиқ” маҳалласигача 30 км узунликда 35/10 кВт янги электр узатиш ҳаво тармоғи ва 4 МВт подстанция қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, экспертиза кўригидан ўтказиб, қурилиш-монтаж ишларини муддатида амалга ошириш чораларини кўрсин;

"Иссиқлик манбаи" МЧЖ (**Бўриёв**) билан биргаликда қарорнинг 25.4-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ва Зафаробод қўрғонидаги **113 км** яроқсиз иссиқлик тармоқларини таъмирлаш лойиҳаси учун зарур маблағларни ажратиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан гаплашиб, ишларни ташкил қилсин;

вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси (**Болтаев**), Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) билан биргаликда қарорнинг 17-илоvasи 26-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳрида мавжуд яшил ҳудудлар ва дарахтларни сақлаб қолиш мақсадида замонавий энерготежамкор ускуналар асосида суғориш тизимини ташкил этиш, 78 км узунликдаги лоток ва ариқларни мукамал таъмирлаш ҳамда замонавий томчилатиб суғориш тизимини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) тегишли масъуллар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан **бир кун муддатда** Давлат Раҳбарининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорида берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиб, ҳар бир топшириқларни ўз назоратига олиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

в) Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), Маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облақулов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Жумаев**), Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) билан биргаликда қарорнинг 17-илоvasи 28-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳрида ўз биносига эга бўлмаган 4 та маҳалланинг (*Фаровон, Янги ҳаёт, Зарафшон, Маърифат*) хизмат биноларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш ишларини ташкил этсин;

г) Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Шодиев**), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) билан биргаликда қарорнинг 17-илоvasи 30-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳридаги “Саховат бозори” МЧЖнинг “10-сон деҳқон бозори” филиали ҳудудида кўп қаватли автотураргоҳга эга бўлган замонавий савдо мажмуасини барпо этиш бўйича ҳамда қарорнинг 17-илоvasи 31-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳри А.Темур кўчасида жойлашган “Саховат бозори” МЧЖ ҳудудидаги 0,25 гектар ер участкасида кўп қаватли автотураргоҳга эга бўлган замонавий савдо мажмуасини барпо этиш бўйича ташаббускорларни аниқлаб қурилиш ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

4. Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**) шаҳарлари ҳамда Нурота (**Файзиев**), Томди (**Умаров**), Учқудуқ (**Елмуратов**) туманларида барқарор бандлик ва юқори даромад билан таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар етарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Навбаҳор (**Рашидов**), Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** имтиёзли кредит ажратилиши бўйича аниқланган талабгорларга кредит ажратилишини таъминлаб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига маълумот берсин.

6. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) **беш кун муддатда** камбағал оилалар фарзандларини мактаб тўғарақларига жалб этиш бўйича аниқланган (53 та) муаммоларни бартараф этилишини таъминлаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

7. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) **беш кун муддатда** бириктирилган оилаларнинг тиббиёт йўналишидаги мавжуд ҳолатини атрофлича қайта ўрганиб, ўтказилган тиббий кўриклар натижаларини таҳлил қилган ҳолда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

8. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**), Касбий таълим бошқармаси (**Қаландаров**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда камбағаллик реестрида мавжуд оилаларни даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш чораларини кўрсин, **бир ҳафта муддатда** бажарилган ишлар бўйича вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

9. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир ҳафта муддатда** камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар томонидан амалга оширилаётган ишларни оилалар кесимида таҳлил қилиб амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

10. Туман (шаҳар) ҳокимлари миграциядан қайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича шахсан шуғулланиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **жорий ҳафта якунига қадар** туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан меҳнат миграциясидан қайтган ишсиз фуқаролар билан учрашганлиги ва бандлигини таъминлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан маълумотларни (ҳисобот жадваллари) бир ҳафталик ўзгариши акс эттирилган ҳолда киритсин.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) билан биргаликда тасдиқланган режа-графикка асосан ҳудудларда ташкил этилаётган микролойиҳалар тўғрисида **беш кун муддатда** вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

12. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) вилоят ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (**Фармонов**) билан биргаликда аҳоли томорқаларига картошка экиш ишлари мониторингини юритиш бўйича электрон платформа ташкил қилиб, экилиш ҳолати тўғрисида **ҳар уч кунда** вилоят ҳокимига маълумот тақдим этиб борсин.

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ҳикматов**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) тижорат банклари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ижара ер майдонларида “Бир контур-бир маҳсулот” тамойили асосида юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкил қилсин.

Кармана (**Болтаев**), Конимех (**Рўзиев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари **уч кун муддатда** “Бир контур-бир маҳсулот” тамойили асосида экин экиладиган ер майдонларининг манзилли рўйхатини белгилаб, тегишли тижорат банкларига тақдим этсин.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) амалга оширилган ишлар бўйича **беш кун муддатда** вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

14. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) 2026 йилда маҳаллаларни анорчиликка, узумчиликка ҳамда чорвачиликка ихтисослаштириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини жадаллаштириш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимига маълумот киритсин.

15. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мирзаев**) Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** туманнинг “Сентоб” ва “Чуя” маҳаллаларида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, ишларни бошласин.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**):

вилоятдаги 10 115 нафар ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича **алоҳида кунлик ҳисоботини** юритсин;

туман (шаҳар) ҳокимлари бириктирилган тегишли масъуллар билан биргаликда **ҳар ҳафта пайшанба кuni** ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиб, ишсиз бўлган ёшларнинг бандлигини тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин;

бир кун муддатда ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тижрат банклари томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокими ҳузурида муҳокама йиғилишини ташкил этсин;

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**) билан биргаликда **жорий йилнинг 5 март “Пайшанба” кuni** Нурота туманида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтиши тўғрисида ижтимоий тармоқларда эълон бериб, туманнинг барча маҳаллалардаги ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўрсин;

ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ишларни қаттиқ назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан **кунлик** вилоят ҳокимига маълумот киритиб борсин.

17. Қуйидагилар бир ҳафта муддатда:

Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (**Шаропов**) тижорат банкларига бириктирилган Хатирчи туманидаги **32 нафар** ишсиз ёшларнинг;

вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси (**Шакаров**), Хатирчи тумани ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари, Хатирчи тумани “Ҳудудий электр тармоқлари” корхонаси раҳбари, Хатирчи тумани давлат архиви раҳбари Хатирчи туманидаги **35 нафар** ишсиз ёшларнинг бандлигини тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга, У.Адизовга.**

18. Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облоқулов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**) билан биргаликда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича маҳаллалар кесимида ишларни манзилли ташкил этсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимлиги (**Ходжаев**)га **кунлик** ахборот киритиб борсин.

19. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари **Б.Рахмонов** раҳбарлигида “Вилоятдаги саноат соҳасидаги ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги корхоналар билан ишлаш тизимини мувофиқлаштириш бўйича вилоят мониторинг штаби” тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

20. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Рахмонов**) вилоятдаги саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларини ўрнатилган тартибда тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ташкилот раҳбарлари ва ўринбосарлари ҳамда ходимларининг туман (шаҳар)ларга бириктирилиши ва вазифаларини барча масъулларга етказилишини таъминласин.

21. Бириктирилган масъуллар **жорий йилнинг 3 мартидан бошлаб** расман жойларда ишларни ташкил этишга киришсин.

22. Вилоят мониторинг штаби (**Рахмонов**) бириктирилган масъуллар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан **кунлик амалга оширилган** ишларни умумлаштириб, таҳлилий маълумотларни вилоят ҳокимига киритиб борилишини таъминласин.

23. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) ҳар ҳафта жума кунини саноат соҳаси ва хизмат кўрсатиш йўналишида бириктирилган масъуллар томонидан амалга оширган ишларни танқидий муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин.

Шу билан бирга, белгилаб берилган вазифаларга совуққонлик билан қараётган раҳбар ва масъулларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиб борсин.

24. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят мониторинг штаби (**Рахмонов**) саноат соҳаси ва хизмат кўрсатиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, ҳар ойда бир мартаба вилоят ҳокими ҳузурида муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

25. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**):

туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йил якуни билан хизматлар ҳажмини камайтирган 36 та, солиқ органларига “ноль” ҳажм ҳисобот тақдим этган 3499 та ҳамда “битта иш ўрни” кўрсатган 4071 та тадбиркорлик субъектлари билан;

Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) билан биргаликда 2024-2025 йиллар давомида хизматлар соҳаси бўйича кредит маблағлари ажратилиб иш ўрни кўрсатмаган ҳамда банк айланмасини амалга оширмаган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли ишлаб, амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан **кунлик** маълумотларни вилоят ҳокимлиги (**Сулаймонов**)га киритсин.

26. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), Навоий шаҳар (**Эргашев**), Кармана тумани (**Болтаев**) ҳокимликларига:

Навоий шаҳридаги умумий овқатланиш масканлари (“*PRESTIGE FINANCE HOLDING*” МЧЖ, “*ASROR-A’ZAM*” МЧЖ), хусусий даволаш-профилактика муассасалари (“*GRAND-MEDIKAL CENTER*” МЧЖ, “*IXLOS DIAGNOSTICS*” МЧЖ) ҳамда дорихоналар (“*Nur vita farm*” МЧЖ)да;

Кармана туманидаги умумий овқатланиш масканлари (“*Axtamjon orzu ko‘llari*” Ф/Х, “*Asl Gold Fish*” МЧЖ, “*Sezam Konimex tomorqa xizmati*” МЧЖ)да ҳақиқатда яратилган иш ўринлари солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи **С.Назаров** юқоридагилардан жиддий хулоса чиқарган ҳолда, **уч кун муддатда** қайд этилган камчиликлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилмаган ҳолда ўрганиш ўтказиб, ҳақиқатда яратилган иш ўринларини солиқ ҳисоботларида акс эттирилиши бўйича тушунтириш ишларини олиб борсин ҳамда кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

27. Навоий шаҳар (**Эргашев**), Кармана тумани (**Болтаев**) ҳокимликлари туман (шаҳар) прокуратураси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Солиқ инспекцияси билан биргаликда умумий овқатланиш, хусусий даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналардаги мавжуд иш ўринлари бўйича қайта ўрганиб, ҳақиқатда яратилган иш ўринларини ҳисоботларда акс эттирилишини таъминлаш бўйича тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борсин.

Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**)га хизматлар соҳаси бўйича қайд этилган камчиликларнинг бартараф этилишини ўз назоратига олиш тавсия этилсин.

28. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Рахмонов**) вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) билан биргаликда хизматлар ҳажмини камайтирган, “ноль” ҳажм ҳисобот тақдим этган, бир нафар иш ўрни кўрсатган, кредит маблағи ажратилиб банк айланмасини амалга оширмаган тадбиркорлик субъектлари ҳамда умумий овқатланиш, хусусий даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналарда яратилган иш ўринларини ҳисоботларда акс эттирмаган тадбиркорлик субъектлари бўйича ҳисобот жадвалларини шакллантириб, **кунлик** мониторингини йўлга қўйсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимига таҳлилий маълумотлар киритилишини таъминласин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

29. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Хамроев**) туман ҳокимлари билан биргаликда:

бир кун муддатда экилиши режалаштирилган картошка экинларини экиш бўйича графигини ишлаб чиқиб, экишни ташкил қилсин;

жорий йилнинг 5 мартига қадар талаб этиладиган **617 тонна** Хитой уруғлик чигитини жамғариш ишларини тўлиқ якунласин;

10 мартгача экилиши режалаштирилган **12,0 минг гектарга** плёнка ва томизғичли шлангларнинг олиб келинишини таъминласин;

30. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Хамроев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Агроинспекция вилоят бошқармаси (**Худайназаров**), “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДМ ҳудудий бошқармаси (**Усмонов**) туман ҳокимлари билан биргаликда етишмайдиган уруғлик картошка захирасини яратиш, картошка экинларини экиш ва парваришда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўрсин.

31. Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**) етишмайдиган уруғлик картошка захирасини яратиш, картошка экинларини экиш ҳолати тўғрисида ўрганишлар ўтказиб, кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлиги (**Ҳикматов**)га киритиб борсин.

32. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) асосий майдонларга картошка экинларни тўлиқ экилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиб, масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларига нисбатан кескин чоралар кўриш бўйича вилоят ҳокимига таклифлар киритиб борсин.

33. "Ўзагролизинг" АЖ Навоий филиали (**Атақулов**) **жорий йилнинг 10 мартига қадар** талаб қилинадиган чигит экиш сеялкаларини (76x10 схемадаги) туманларга етказиб беришни таъминласин.

34. Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси (**Турсунов**) туман ҳокимлари билан биргаликда:

жорий йилнинг 5 мартига қадар кузги бошоқли дон экинларини озиқлантириш ишлари учун талаб этиладиган азотли минерал ўғитлар захирасини яратиш;

жорий йилнинг 15 мартига қадар ғалла майдонларини **200 кг/га** ҳисобида азотли минерал ўғитлар билан озиқлантириш;

жорий йилнинг 10 мартига қадар ғалла экилган ва чигит экилиши режалаштирилган майдонларда олиб борилаётган агротехник тадбирларни фермер хўжаликлари кесимида "**Агромониторинг**" ахборот тизимига киритиш ишларини тўлиқ якунласин.

35. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди

Ф.Эшбоев